



## CHANGES IN THE TRAINING OF SCIENTIFIC AND SCIENTIFIC-PEDAGOGICAL PERSONNEL IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM OF UZBEKISTAN IN 2012-2016

*Utkirjon Kushmirzaevich Khoshimov*

*PhD in History, Associate Professor*

*Tashkent State National Pedagogical University*

*Email: [utkirjon.khoshimov@mail.ru](mailto:utkirjon.khoshimov@mail.ru)*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Higher educational institutions, Scientific councils, scientific and scientific-pedagogical personnel, science, scientific potential, postgraduate studies, doctoral studies.

**Received:** 23.01.25

**Accepted:** 24.01.25

**Published:** 25.01.25

**Abstract:** This article examines the changes that occurred in the training of scientific and scientific-pedagogical personnel in Uzbekistan in 2012-2016 using the example of the republican higher education system. In particular, the transition to a single-stage system of postgraduate education in the republic by this time, the scientific potential of higher educational institutions, the processes associated with the conditions created for professors and teachers in carrying out scientific research work, existing problems and their solutions are analyzed.

## ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА 2012-2016 ЙИЛЛАРДА ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БОРАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

*Ўткиржон Кушмирзаевич Хошимов*

*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент*

*Тошкент давлат миллий педагогика университети,*

*Электрон манзил: [utkirjon.khoshimov@mail.ru](mailto:utkirjon.khoshimov@mail.ru)*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Олий таълим муассасалари, Илмий кенгашлар, илмий ва илмий-педагог кадрлар, илм-фан, илмий салоҳият, аспирантура, докторантура.

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистонда илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашда республика олий таълим тизими мисолида 2012-2016 йилларда юз берган ўзгаришлар ўрганилган. Жумалдан, республикада бу вақтга келиб олий таълимдан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимига ўтилиши, олий таълим

муассасаларидаги илмий салоҳият, илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда профессор-ўқитувчиларга яратилган шароитлар билан боғлиқ бўлган жараёнлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари таҳлил қилинган.

## ИЗМЕНЕНИЯ В ПОДГОТОВКЕ НАУЧНЫХ И НАУЧНО-ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА В 2012-2016 ГОДАХ

**Уткиржон Кушмирзаевич Хошимов**

*Кандидат философских наук (PhD) по истории, доцент*

*Ташкентский государственный национальный педагогический университет*

*Электронная почта: [utkirjon.khoshimov@mail.ru](mailto:utkirjon.khoshimov@mail.ru)*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Высшие учебные заведения, Ученые советы, научные и научно-педагогические кадры, наука, научный потенциал, аспирантура, докторантура.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются изменения, произошедшие в подготовке научных и научно-педагогических кадров в Узбекистане в 2012-2016 годах на примере республиканской системы высшего образования. В частности, анализируется переход к этому времени в республике на одноступенчатую систему послевузовского образования, научный потенциал высших учебных заведений, процессы, связанные с условиями, созданными для профессорско-преподавательского состава при выполнении научно-исследовательских работ, существующие проблемы и пути их решения.

XXI асрда глобаллашув жараёнлари юз бераётган бир вақтда давлатлар тараққиётиди илм-фан ўрни ортмоқда. Илм-фаннинг янги соҳалари ва ютуқларини эгаллаш, жамиятдаги мавжуд муаммоларга самарали ечим топиш орқали ривожланишни тезлаштириш, ёшларни илм-фанга кенг жалб этиш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш борасидаги ислохотлар самарадорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Зотан, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин. Мазкур соҳани ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг устувор вазифаларидандир. Шундан келиб чиқиб, илм-фаннинг ривожланишини асосий омилларидан бири ҳисобланган илмий салоҳиятли

кадрлар тайёрлаш жараёнларини тарихий нуқтаи назардан тадқиқ этиш, hozirda бу соҳаларда юз бераётган ижобий ўзгаришларни аниқ тушунишга ҳизмат қилади.

Илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш борасидаги ислоҳотларнинг иккинчи босқичи 2012 йилдан бошланди. Бу вақтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони қабул қилинди . Ушбу фармонга асосан 2013 йил 1 январидан бошлаб республикада олий таълимдан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимига ўтиш белгиланди. Республикада илмий салоҳиятли кадрлар тайёрлашнинг бир босқичли тизимига ўтилгандан сўнг олий таълим муассасаларида илмий салоҳият пасайди. Масалан, Республика олий таълим муассасаларида 2016 йил декабр ҳолатига кўра 23463 нафар профессор-ўқитувчи фаолият олиб борган бўлса, шундан 1423 (6,0 фоизи) фан докторлари, 6306 (26,9 фоизи) фан номзодлари ташкил этиб илмий салоҳият ўртача 33 фоизни ташкил қилган. Илмий салоҳият олий таълим муассасаларида 2007 йилга (41,1 фоиз) нисбатан 8,1 фоизга пасайган . Бу вақтга келиб республика вилоят фаолият юритаётган баъзи олий таълим муассасаларида илмий салоҳият республикадаги ўртача кўрсаткичдан орқада қолди. Жумладан, АндМИ 21,2, ЖизПИ 18,5 фоиз, ТерДУ 18,1 фоиз, ФарПИ 22,7 фоиз, НавДПИ 18,7 фоиз, КўқДПИ 20,9 фоиз, СамҚХИ 13,1 фоизни ташкил этиб , республикада олий таълим муассасалари ўртасида охириги ўринларда бўлган. Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган олий таълим муассасаларида илмий салоҳият нисбатан юқори бўлган.

Бу даврга келиб олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятнинг пасайишининг бир қатор сабаблари бор эди. Хусусан, илмий салоҳиятли кадрлар тайёрлаш бўйича 2012 йил учун стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтига 443 нафар, катта илмий ходим-изланувчилар институтига 32 нафар тадқиқотчи қабул қилинган эди . Республикада бир босқичли тизимга ўтилиши мунасабати билан катта илмий ходим-изланувчилар институтига қабул кавотали оширилиши ўрнига аксинча қисқарди. Масалан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасаларига катта илмий ходим-изланувчилар инситутига қабул бўйича 2014 йилда 288 та квота ажратилган бўлса , 2015 йилда катта илмий ходимлар-изланувчилар инситутига 275 нафар тадқиқотчи ўқишга қабул қилинди . Яъни 2012 йилга нисбатан 2015 йилга келиб қабул квотаси 45,8 фоизга қисқарди. Илмий салоҳит пастлаб бораётган бир вақтда давлат томонидан қабул квоталарининг камайтирилиши вазиятни янада оғирлаштирди.

Бундан ташқари бу вақтга келиб олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган Илмий кенгашлар сони ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларига нисбатан камайиш кузатилди. Жумладан 2014-2015 ўқув йилига келиб олий таълим муассасаларида 28 та Илмий кенгашлар фаолият юритган. Бу Илмий кенгашлардан 24 таси Тошкент шаҳрида жойлашган олий таълим муассасаларида, қолган 4 таси вилоятлардаги олий таълим муассасаларида ташкил қилинган эди . Шу сабабдан ҳам вилоятлардаги олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва уларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлган. Бу ўз навбатида олий таълим муассасаларининг илмий салҳиятига салбий таъсир кўрсатган.

Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятнинг пасайишининг яна бир сабабларидан бири, бу илмий тадқиқот ҳимоялари сонининг камайганлиги, тадқиқотларнинг ўз вақтида ҳимоя қилиш кўрсаткичларининг пастлиги ҳам сабаб бўлди. Хусусан, бир босқичли тизимига ўтилгандан сўнг 2014-2016 йиллар давомида 237 нафар тадқиқотчи докторлик диссертациясини ҳимоя қилган бўлса, шундан жами 972 нафар катта илмий ходим изланувчи ва мустақил изланувчилардан фақат 48 нафари (4,9 фоиз) ўз муддатларида ҳимоя қилган .

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини турли мавсумий қишлоқ хужалик ишларига жалб қилиниши, моддий-техник база, соҳадаги қоғозбозлик ва бюрократи тўсиқлар ҳам илмий-тадқиқотларни ривожланишига тўсиқ бўлди. Бундан ташқари олий таълим муассасаларида таълим ва илмий тадқиқотлар биргаликда олиб борилишини ҳисобга олган ҳолда ўқув юктамаларининг ортиб бориши ҳам тадқиқотларни тўлақонли амалга ошириш учун вақт нуқтаи назаридан салбий таъсир кўрсатди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-926-сон Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 164-сон Қарорига мувофиқ 2009/2010 ўқув йилдан бошлаб олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларига қараб бир профессор-ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг янги чекланган меъёрларга босқичма-босқич яъни, 2009/2010 ўқув йилида ўртача 1:10,5 нисбатда, 2010/2011 ўқув йилида ўртача 1:12,5 нисбатга ўтилди . Оқибатда, олий таълим муассасаларида 2009/2010 ўқув йилидан профессор-ўқитувчилар штат birlikлари сонининг 2008/2009 ўқув (жами штат 27632 та) йилидагига нисбатан 4351 (12,4 фоизга),

2010/2011 ўқув йилида профессор-ўқитувчилар штат бирликлари сонининг 2009/2010 ўқув йилидагига нисбатан 2958 (11,0 фоиз)га (26712 дан 23754 гача) қисқарди. Бир профессор-ўқитувчига тўғри келадиган ўқув юкламаси 2009/2010 ўқув йилида 781,1 соатга, 2010/2011 ўқув йилида 833,1 соатга ошди. Бу жараёнлар айнан илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашнинг иккинчи босқичида амалиётга тўлиқ жорий қилинди. Оқибатда, олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар илмий тадқиқот ишларини амалга оширишларида биров бўлсада вақт масаласида етишмовчиликка учрадилар.

Хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон талабларига мослаштириш борасида амалга оширилган ислохотлар ўзини тўлиқ оқламади. 2012 йилда бошланган ислохотлар оқибатида олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятнинг кескин пастлашига, тадқиқотчилар сонинг камайишига сабаб бўлди. Бу вақтга келиб илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш замон талаблари даражасида ривожланишдан ортда қолди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Янги йил арафасида – 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан номояндalари билан учрашди. <https://president.uz/uz/lists/view/169>
2. ЎРҚММБ. <https://lex.uz/docs/2035850> (Хужжат кучини йўқотган 27.02.2017), (Мурожжат этилган сана. 14.08.2020)
3. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги жорий архиви. №1/1 Ҳайъат қарори. 2017 йил 25 январ. 5-варақ.
4. Олий таълим муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари. Статистик тўплам (2014-2015 ўқув йили). – Тошкент: “Тafakkur-Во’stoni”, 2015. – Б. 21-23.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги жорий архиви. №7/2 Ҳайъат қарори. 2012 йил 28 июль. 6-варақ.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги жорий архиви. №1/1 Ҳайъат қарори. 2015 йил 31 январ. 5-варақ.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги жорий архиви. №6/1 Ҳайъат қарори. 2015 йил 23 октябр. 3-варақ.
8. Олий таълим муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари. Статистик тўплам (2014-2015 ўқув йили). – Тошкент: “Тafakkur-Во’stoni”, 2015. – Б. 90-92.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги жорий архиви. №1/1 Ҳайъат қарори. 2017 йил 25 январ. 6-варақ.

10. ЎРҚММБ. <https://lex.uz/ru/docs/1377379> (Мурожжат этилган сана. 15.07.2021)
11. ЎРҚММБ. <https://lex.uz/ru/docs/1379834#1380067> (Мурожжат этилган сана. 15.07.2021)
12. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги жорий архиви. Олий таълим муассасаларида бир профессор-ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг янги меъёрларини босқичма-босқич жорий этишга тайёргарлик ишларини ташкил қилиш тўғрисида маълумот. 58-варақ.
13. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги жорий архиви. Олий таълим муассасаларида бир профессор-ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг янги меъёрларини босқичма-босқич жорий этишга тайёргарлик ишларини ташкил қилиш тўғрисида маълумот. 58-варақ.